



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

### ИЗЧИЛЛИК АСОСИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МАЗМУН ВА МОҲИЯТИ

Юлдашева Фароғат Туракуловна

Низомий номидаги ТДПУ тадқиқотчиси

**Аннотация.** Ўқитувчи ўқитишнинг тегишли шакллари ва усулларида фойдаланиш, таълим олувчиларнинг ўқиш-билим орттириш фаолиятини бошқаришни таъминлаш ҳамда унинг педагог ва таълим олувчи ўртасидаги мулоқот усулига мос равишда кечишини назорат қилиш йўли билан амалга оширади. Ўқитишнинг ҳар бир поғонасида ўқитувчи фаолияти ўз хусусиятларига эга. У олдинги таълим поғонасидаги фаолият билан изчил боғланган бўлиши лозим. Мақолада изчиллик асосида олий таълим жараёнини ташкил этишнинг мазмун ва моҳияти баён қилинган.

**Калит сўзлар:** таълим олувчи, изчиллик, олий таълим жараёни, тизимлилик, яхлитлик.

Таълим ислохотларининг асосий ғояларидан бири ҳақли равишда узлуксиз таълим ғоясидир. У минг йилликлар чегарасидаги инсон тафаккурининг янги парадигмаси бўлиб, маданият, маънавият, касбий маҳорат, ҳаётда ўз имкониятларини тўлақонли рўёбга чиқариш тимсолларига мувофиқ равишда инсоннинг шахсий салоҳиятини, касбий имкониятларини узлуксиз бойитишга интилишини қарор топтиради.

Л.К.Илиева фикрича узлуксиз таълим тизимида изчилликни таъминлаш учун шахсни иқтидори бўйича табақалаб, гуруҳларга бўлиб ўқитишни йўлга қўйиш лозим. Шундагина таълим муассасалариаро такрорланишларга чек қўйилади. Изчиллик принципи чет тили таълимига татбиқ этилганида: вертикал йўналишда (ташқи томондан) – мактабгача таълим, умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртидаги чет тил ўқитиш тушунилса, горизонтал йўналишда (ички томондан) – таълим компонентлари (шароит, мақсад, мазмун, метод, воситалар) ўртасидаги ва таълим мазмуни (нутқ мавзулари, тил материали, нутқ малакалари)даги изчиллик назарда тутилади [3, 4, 5].

“Изчиллик” тушунчаси кўпинча, мутахассиснинг касбий тайёргарлиги ягона жараён деб қаралгани сабабли, “яхлитлик”, “тизимлилик” ва “узлуксизлик” тушунчалари билан ўзаро боғлиқликда ўрганилади [2].

Ўқитиш изчиллиги тамойили ўқитишда тизимлилик, тадрижийлик, яхлитлик умумдидактик тамойиллари билан энг яқин алоқага эга.

Яхлитлик тушунчаси бу объектларнинг интеграциялашганини, мустақиллигини, автономлигини, уларнинг ички фаоллиги билан боғлиқ бўлган муҳитга қарши қўйилганлигини ифодалайди. Таълимга нисбатан бу шуни билдирадики, касбий



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

тайёргарлик тизимининг самарадорлигини ошириш захиралари унинг алоҳида компонентлари хусусий такомиллашувида эмас, балки, энг аввало, яхлит жараёни таъминлаш учун улар интегратив сифатларининг уйғунлашувида, ифодаланади [6].

Мутахассис тайёргарлиги тузилишида тизимлилик тизимларнинг ўзаро алоқси ва ўзаро боғланишида намоён бўлади. Касбий тайёргарлик жараёнига нисбатан тизимлилик, бир томондан, мактаб ва ОТМнинг асосий тайёргарлик шакллари сифатида алоқасини талаб қилади, иккинчи томондан, бу босқичларнинг ҳар бирида бўлажак мутахассисни ўқитиш ва тарбиялашнинг мазмуни, шакллари, усуллари ва воситаларининг ўзаро боғлиқлигини талаб қилади.

“Узлуксизлик” тушунчаси ҳодисаларнинг ривожланишини, бирин-кетин ва тадрижий ўзгаришини ифодалайди. Муайян босқичда тадрижий миқдор ўзгаришлари ҳодисанинг янги сифатга ўтишига олиб келади, у эса ўзгаришларнинг кейинги узлуксизлигини келтириб чиқаради [7].

Ушбу тамойилнинг талаблари: билимлар, малакалар ва кўникмалар маълум тартибда шаклланиши лозим, бунда ўқув материалининг ҳар бир элементи бошқаси билан мантқан боғланади, кейингилари олдиғиларига таянади, янгиларини ўзлаштиришга тайёрлайди. Бу жиҳатдан ўқитиш изчиллиги тамойилининг талаблари тизимлилик ва тадрижийлик тамойилининг талабларига мос келади.

Маълумки, ҳар қандай дидактик тамойилнинг бош талаби унинг мақсадга қаратилганлиги, яъни дидактик тамойил асосий мақсади ва вазифасининг ўзаро боғланишли эканлигидир. Ўқитиш изчиллиги тамойилининг бош мақсади талабани ривожлантириш, ўқитиш мазмуни, усуллари, шакллари ва воситаларини изчил оқилона, узлуксиз таълим шароитида бу компонентларни янада такомиллаштиришга қаратилган танловдан иборат. Ўқитишда изчилликнинг асосий вазифаси шахсга оид таълим жараёнларининг олға интилишини таъминлаш, ўқитиш мазмуни, усуллари, шакллари ва воситаларининг талабалар касбий таълим муассасасида мослашишига, узлуксиз касбий таълим асосий босқичларининг ўзаро алоқасини ўрнатишга кўмаклашувчи энг мақбул йўналишни топишдир. Вақт давомида синовдан ўтган ҳамда олдинги таълим поғоналари ва босқичларида яхши натижалар ва самара берган алоҳида усуллар ва дидактик усулларни, ўқув ишлари усулларини сақлаб қолиш, таълимда ўқитувчи ва талаба фаолиятининг янги дидактик усулларини қўллаш, педагогика фани ва амалиётининг замонавий талабларига, талабаларнинг имкониятлари ва руҳий хусусиятларга жавоб берувчи аввалги усуллар ва дидактика усулларини такомиллаштириш кўзда тутилади [7].

Айтиб ўтилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, изчилликнинг ўзи ривожланишнинг ҳар хил босқичлари ва поғоналари ўртасидаги, моҳияти бутуннинг тизим сифатида ўзгариши давомида унинг у ёки бу унсурларини ёхуд тузилишининг айрим жиҳатларини сақлаб қолишдан иборат бўлган алоқаси сифатида тушунилади [1].



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

Изчилликнинг назорат-тартибга солиш ва баҳолаш-натижавий компонентларини ажратиш кўрсатиш мумкин. Бу компонентлар бир вақтнинг ўзида қўйилган таълим вазифаларининг бажарилиши устидан ўқитувчи томонидан назорат олиб борилишини ва таълим олувчиларнинг ўз-ўзини назорат қилишини, ўқитиш жараёнида эришилган натижалар педагоглар томонидан ва талабаларнинг ўзи томонидан баҳоланишини тақозо қилади. Ўқитишнинг ушбу дидактик усуллари ўқитиш усуллари, шакллари ва воситаларининг изчиллик даражасида тўлиқ амалга оширилади.

Ўқитиш изчиллигининг юқорида кўрсатилган таркибий қисмларини бир-биридан ажралган ҳолда ўрганиш мумкин эмас. Уларнинг ҳаммаси бир-бирини юзага келтириб ва бир-бирини тўлдириб, бир вақтнинг ўзида ишлайди. Ўқитиш усуллари, ташкилий шакллари ва воситаларининг ўзига хос яхлитлашуви юз беради. Ўқитишда изчиллик ўқитиш жараёнининг ўзидаги таркибий қисмларни ривожлантиришни ва такомиллаштиришни, мазкур компонентларнинг ташкилий ўзаро таъсири давомидаги алоқасини тақозо қилади.

Ўқитишдаги изчилликнинг барча компонентлари ўзаро алоқадор ва ўзаро боғланишли. Улардан биттасида изчилликни амалга оширишнинг бузилиши дарҳол ўқув жараёни натижаларига таъсир кўрсатади. Олий таълим амалиётида ўқитишдаги мотивлаштириш-мақсад ва баҳолаш-рефлексив изчиллик етарли даражада амалга оширилмайди, кўпроқ эътибор мазмун-фаолият ва ўқув-амалий изчилликни авторитар усулда амалга оширишга қаратилади. Бу маълум даражада таълим жараёни сифатида ва унинг натижаларида акс этади.

Таълимнинг бир поғонасидан бошқасига ўтишда юзага келаётган қийинчиликлар кўпинча қуйидагилар мувофиқлаштирилмагани билан боғлиқ:

- шахсий мотивлар ва мақсадлар билан ўқитиш давомида илгари суриладиган мақсадлар ва вазифалар;
- билимлар, малакалар ва кўникмаларнинг мавжуд даражаси билан уларга нисбатан ОТМдаги юқориқ талаблар;
- олий таълим муассасасида умумўқув малакалар шаклланганлиги ва фикрлаш амалларининг ривожланганлиги даражасида;
- билим орттириш фаолияти устидан мактабдаги доимий назорат билан ОТМда ўз-ўзини назорат қилиш, ўз ҳаракатларини рефлексиялашнинг устунлиги ўртасида;
- ўқув фаолиятини мактабда ўқитувчи ташкиллаштириши ва режалаштиришига қаратилганлик билан ОТМда уни мустақил равишда ташкиллаштириш ва режалаштириш зарурлиги ўртасида[7].

Демак, хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўқитишда изчиллик тамойили бошқа тамойиллар билан яқиндан ўзаро муносабатда бўлиб, бутун таълим тизимида ва олий таълимда талабаларнинг ўқув фаолиятида таълим-тарбия жараёнини ташкиллаштириш ва бошқаришга нисбатан яхлит ёндашишда ўзининг ижобий



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

вазифасини ўташга қаратилади. Ўқитишни бу тамойилга мувофиқ ташкил этиш унинг алоҳида босқичлари мазмуни ва функцияларини аниқроқ чегаралаш имконини беради, такрорланишларни бартараф қилишга олиб келади, педагогик ҳаракатларни мувофиқлаштиришни таъминлайди, вақтни нотўғри сарфлашни камайтиради, талабаларга касбий фаолият билан боғлиқ бўлган янада чуқурроқ ва пухтароқ билим олишни таъминлайди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Батаршев А.В. Преемственность обучения в общеобразовательной и профессиональной школе (теоретико-методологический аспект) /А.В. Батаршев. - СПб.: Институт профтехобразования РАО, 1996. - 80с.
2. Ибрагимова Е.М. Непрерывная допрофессиональная и профессиональная педагогическая подготовка учителя: монография /Е.М. Ибрагимова. -Казань: Казанский педуниверстет, 1999. -212с.
3. Илиева Л.К. Чет тили таълимида изчилликни таъминлаш технологияси. Педагогик таълим журнали. – 2006. – 1-сон. – Б. 70-71.
4. Илиева Л.К. Олий ва ўрта мактаб чет тил таълимида изчиллик ҳақида// Таълим муаммолари, илмий-услубий ютуқлар ва илғор тажрибалар. – 1997. – 3-6 сон. – Б. 18-20.
5. Илиева Л.К. Чет тил таълимида изчилликни таъминлаш технологияси. Методик қўлланма. Тошкент.2009 <https://uz.denemetr.com/docs/768/index-282042-1.html>
6. Махмутов М.И. Специфические принципы обучения в процессе осуществления взаимосвязи общеобразовательной и профессиональной подготовки /М.И. Махмутов, В.С. Безрукова //Научные основы межпредметных связей в средних профтехучилищах: Сб. науч. труд. - Л., 1986. - С.29-41.
7. Петроченкова В.В. Преемственность в процессе иноязычной подготовки в профессиональном образовании. Диссертации на соискание ученой степени кандидата педагогических наук. Калининград – 2008. 289 с.